



Токио-2020 кундалиги


Олимпиада рекордини ўрнатган Акбар

Шу кунларда бутун дунё эътиборида бўлиб турган Токио-2020 ёзги олимпиада ўйинлари қизгин давом этмоқда. Моҳир спортчиларимиз Улғбек Рашидовнинг олтин, Давлат Бобоновнинг бронза медалларидан сўнг бирор яхши хабарни интиқлик билан кутаётган ватандошларимиз учун оғир атлетикачимиз Акбар Жўраевнинг олтин медали улкан тухфа бўлди. Унинг ёрқин чиқишлари мухлисларга олам-олам қувонч бахш этди.

Пахлавонимиз даст кўтаришда 193 кг, силтаб кўтаришда 237 кг тошни бўйсундириб, олимпиада рекордини ўрнатди. Унинг оламшумул галабаси туфайли Ўзбекистон 2та олтин, битта бронза медали билан 28-поғонага чиқиб олди. Яъни бир ҳафталик сабр-тоқатнинг мукофоти насиб этган 3 август кунги воқеа Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни борлигини кўрсатди. Шундай сурурли дақиқалар учун Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтарган Улғбек Рашидов, Акбар Жўраев ҳамда Давлат Бобоновларга шон-шарафлар бўлсин деймиз. Тўғри, олимпиадада қатнашган спортчиларимизнинг барчаси астойдил ҳаракат қилишди.

Лекин зарур тажриба ёки журъат етишмаганиданми қутилган натижа бизни бир ҳафтагача четлаб ўтди. Шундай бўлса-да ҳали умидимиз сўнгани йўқ. Машҳур боксчимиз Баҳодир Жалоловнинг ярим финалгача етиб келолгани қалбимизга таскин бериб турибди. Бошқа иштирокчиларимизнинг Олимпиада ҳақидаги таассуротлари энди кейинги иштироклар учун катта тажриба мактабини ўташи шубҳасиз!

С.РИХСИЕВА



Ушбу сонда

Дўстинг бўлса, юкинг ерда қолмайди

4-саҳифада >>



“Олтин бешик” воқеаси


5-саҳифада >>

Маданий ҳамкорликлар янгиланмоқда

5-саҳифада >>



Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиши Қора бахши Умиров



Оилавий анъана давом этади

Қора бахши Умиров 1934 йил 15 июль кунини Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманидаги “Етимкудук” қишлоғида, бахши шоир оиласида дунёга келган. Ўзбекнинг Қўнғирот уруғи, Қўштамғали даҳасининг ўтроқи шохидан бўлган.

Унинг отаси Умиров шоир Сафар ўғли Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида, қўшни Тожикистон, Туркменистон Республикаларида донг таратган етук бахши эди.

Онаси Ирис момо Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманидаги “Бўз” тепа қишлоғида туғилиб, қўлидан ҳар қандай иш келадиган тadbirkor аёл бўлган.

Қора бахши 1958-1962 йилларда Низомий номидаги давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси. Оилавий муҳит таъсири-

да бахшичилик санъатига қизиқиши жуда эрта, 7-8 ёшларида бошланган. У дўмбира чертиб, терма ва достонлардан парчалар айтади. 16 – 18 ёшларида эса терма ва достонларни мустақил ижро этиб, элнинг тўй ва томошаларида ўз ижоди билан қатнашиб юради. Қора бахши Умиров оиласи 1971 йил Сурхондарё вилоятининг Музработ туманига кўчиб келди. У 1973 йил Музработ туманидаги 1-, 1974 йилдан Ғофур Ғулом номидаги мактабда, 1978 йилдан эса шу тумандаги 33-мактабда ўқитувчи бўлиб фаолият юритди.

Қора бахши 100дан ортиқ терма ва 50дан зиёд достонларни ёддан биладиган бадиҳағў бахши ҳисобланади. У “Дўмбирам”, “Қолар”, “Сулув кўрсатар”, “Дунё сон”, “Билинар”, “Менинг Ўзбекистоним”, “Олтин тўйинг муборак”, “Қайтар дунё”, “Шуни айтинг”, “Яхшироқ”, достонлардан эса: “Алломиш”, “Тўрўғли”, “Авазхон”, “Болхувон”, “Қунтуғмиш”, “Ойпарча”, “Ўзим кўзнинг олиб келиниши”, “Малла савдогар”, “Нуроли ва Семург”, “Тоҳир ва Зуҳра” каби бир қатор ижод намуналарини севиб, меъёрига етказиб ижро қилган.

Давоми 2-саҳифада >>

Донлар сузлайди...

>>

Олий одам ўздан ва ўзгалардан ҳамиша мамнун, ҳар қачон, ҳар қаерда сокин; пасткаш одам эса ҳамиша тушкун, ён-атрофи мусибат билан тўла.

Агар йўқотишларга дуч келсангиз, уларни йўқотиб қўйишдан ваҳимага тушманг. Йўқотиб ортидан, албатта, топилмалар ҳам келгусидур.

Моддийнинг ортида эзгулик ниш урмоғи учун беш нарса кифоя: кўнгил кенглиги, самимият, шиддат, яхшилик ва жиддийлик.

Конфуций

Имтиҳон жараёнлари

Холислик ва адолат муҳим



31 июль куни Маданият вазири Озодбек Назарбеков Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бўлиб, ижодий имтиҳон жараёнлари билан яқиндан танишди.

Соҳада илғор мутахассисларни тайёрлаб беришда республикадаги етакчи ўқув даргоҳларидан бири саналган мазкур таълим масканида 2021-2022 ўқув йилига тайёргарлик ишлари, имтиҳонлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам

кўздан кечирилди.

Маданият вазири ижодий имтиҳон топшираётган ёшларни кузатар экан, ҳар бири бор иқтидор ва маҳоратини ишга солаётганига гувоҳ бўлди. Ҳа, улар бу соҳада таълим олишга қатъий аҳд қилиб, ўз олдига аниқ мақсад қўйганлар.

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган санъат ва маданият соҳасида етук мутахассис ва санъатимиз давомчиларини тайёрлашда ҳақиқий истеъдодлар-

ни саралаб олиш, энг чекка ҳудудлардан келган ёшларнинг билими, иқтидори ва меҳнатини юзага чиқариш соҳа ривожига муҳим ўрин тутди, – дейди Озодбек Назарбеков. – Шу боис, имтиҳон олиш жараёнида холислик ва шаффофликни таъминлаш, ҳар бир ижодий чиқишни адолатли баҳолаш айти пайтда олдимизда турган энг зарур вазифадир. Зеро, ёшларни баҳолашда холис ва адолатли бўлиш жуда муҳим”.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Оилавий анъана давом этади

Қора бахши Умиров бахшичилик дostonларини ўзи ижро этиши билан бир вақтда, ушбу санъат сирларини ёш авлодга ўргатиш, уларнинг санъатга бўлган меҳрини ошириш, дунё микёсида тарғиб этиш ишларини ҳам олиб борган. У Сурхондарё, Қашқадарёда устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ва ўзидан кейин бир неча шогирдларни етиштирган устоз бахшидир. Унинг изланишлари натижасида укаси Чори бахши Умиров (2017 йил), ўғли Расул бахши Умиров (2015) Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси унвонига сазовор бўлишди. Невараси Боймурод бахши Қораев 2013 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Нафосат – бўстоним маним” анъанавий VIII Республика кўрик фестивалида иккинчи ўринни эгаллаб, иккинчи даражали диплом билан тақдирланган. Яна бир шогирди Худоймурод бахши Умиров бўлиб, у Тошкент давлат кимё технологиялари университетини тамомлаган. Айти пайтда ижодий фаолиятини тўхтатмасдан, фал давом эттириб келмоқда. Худоймурод бахши Умиров республика ва вилоят бахшичилик танловларида кўплаб фахрий ёрилқлар, 2-; 3-даражали дипломлар ва совринлар соҳиби бўлган. Диёрбек Расулов Қора бахшининг чевараси Расул бахшининг тўнғич неварасидир. Диёрбек ҳозирги кунда “Дўмбира”, “Яхши”, “Мактабим”, “Бобом”, “Ватаним” каби термаларни “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Жаҳонгир” дostonларидан кичик-кичик парчаларни айттар экан, боболаридан бахшичилик сирларини ўрганиш билан бир қаторда Умировлар сулоласининг давомчиси эканлиги билан фахрланади. “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори Илҳом Норов, Аҳмад бахши Шотўраевлар ҳам Қора бахши Умировнинг сеvimли шогирдларидандир.

Бахши Хоразмда бўлиб ўтган I халқ ижодиёти фестивалида, 1987 йил Москва шаҳрида ўтказилган халқ ижодиёти халқаро фестивалида иккинчи марта лауреат бўлган.



2002 йилда Қора бахшининг 30дан ортиқ термаларини ўзида жамлаган “Сулув кўрсатар” номли термалар тўплами “Насаф” нашриётида нашр этилди.

2008 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ, Қора бахши Умиров “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони билан тақдирланди.

2011 йилда мардлик ва жасорат, ватан ва элпарварлик гоёлари мужассам бўлган “Жаҳонгир ёхуд шаҳидлар дараси”, 2014 йилда сеvги ва муҳаббат, эрк ва садоқат, аҳди вафо, эл, ватан туйғусини тараннум этувчи “Тоҳир ва Зухра”, 2016 йилда “Нурани ва Семурғ” дostonлари Насаф нашриётида чоп этилиб, кўп сонли ўқувчиларга тақдим қилинди.

2006 йилда фольклоршунос олим Абдуолим Эргашевнинг Қора бахши ижодий фаолиятига бағишланган “Қора бахши Умировнинг маҳорати” номли эссеси “Насаф” нашриётида, 2019 йилда “Оилавий бахшилар сулоласи” номли монографияси Сурхон нашриётида чоп этилди.

Шеробод дostonчилик мактаби жонкуярларидан бири, тиниб-тинчимас устоз Қора бахши Умиров 87 ёшида вафот этди. У ўзидан бетакрор ижод хазинасини мерос қилиб қолдирди.

Гулчехра САЛОМОВА,
Республика бахшичилик санъати
маркази катта илмий ходими

Тарихимиз кўзгуси



Маданий мерос ҳар бир халқ ва миллатнинг бебаҳо бойлиги саналади. Мамлакатимизда тарихимизни авайлаб-асраш, жамиятда миллий истиқлол гоёларини қарор топтириш, ёшларни ватанпарварлик, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор.

Ўтмишга назар музейлардан бошланади

Тарихни ўрганиш ва асраш ёш авлод онгига инсоний фазилатларни камол топтириш, уларга ўлкамизнинг табиий, илмий, маънавий бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, маданият, меъморий қадимжоларимизни пухта ўрганиб, мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилади.

Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда мажмуа фондига 16 мингдан зиёд ноёб ва нодир экспонатлар давлат рўйхатига олинган. Улар музейнинг 8 та кўргазма залидаги экспозицияларда доимий равишда намойиш қилиб келинмоқда.

Мазкур бўлимлар аждодларимиз ҳаёт кечмишларини ўзида сақлаб келётган этник жиҳатдан ўз хусусиятларига эга бўлган либослар, кийим-бошлар, халқ хунарандчилиги намуналари, қадимий қўлэмалар, пул буюмлари, кундалик турмушда ишлатилган уй-рўзгор ашёларини ўзида акс эттиради.

Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, бебаҳо қадриятлари ва яратувчанлик салоҳиятига, бетакрор анъаналарига юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг ҳам қизиқиши ортиб бораётгани қалбимизга ифтихор туйғусини бағишлайди.

Нозик дид ва маҳорат билан қўлда тикилган Нурота каштачилик санъати намуналари музейимиз фонди ва экспозиция залларида сақланиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда.

Шу билан бирга музейнинг мустақиллик, табиат, этнография бўлимларида вилоятимиз тарихи ва маданияти, табиати, қишлоқ хўжалигига оид экспонатлар орқали бу ерга ташриф буюрган сайёҳлар ҳудудимиз ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан, бугунги кунда музейларга сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жорий йил бошидан буён ташрифлар микдори уч баробарга ортган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги “Давлат музейларининг болалар ва ўқувчиларига

рига очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ва филиал музейларида ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирининг 2021 йил 12 январдаги №97-сонли буйруғига асосан ҳар ойнинг биринчи яшанбаси “очик эшиклар куни” доирасида аҳолини давлат музейларига бепул киритилиши таъминланган. Жорий йил давомида жами 9080 нафар болалар музейларга бепул ташриф буюрди ҳамда вилоят музейи ва унинг туман бўлимларида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва суҳбатларда, маҳорат дарсларида ҳам болаларнинг бепул иштироки таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят музейининг “Қосим Шайх” мажмуаси, “Сармишсой” давлат музей-қўриқхонаси ва Нурота тумани табиий-меъморий мажмуаси ҳамда Қизилтепа тумани тарихи музейлари фаолият олиб бормоқда. Уларда туманининг ўзига хос удумлари, анъана ва маросимлари, қадрият ва одатлари, унутилиб борилаётган халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлаб қолиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва келгуси авлодга етказиш ҳамда унинг маънавий ҳаётимиздаги роли тарғиб қилиниб, ҳудудга мос этнографик ва халқ хунарандчилигининг ноёб турларини ёш авлодга ўргатиш орқали авлоддан-авлодга етказиб, қадимий ва ноёб


тарихий-археологик буюмларни ўзида акс эттиради ва намойиш этади.

Вилоят музейининг “Сармишсой” давлат музей-қўриқхонаси Навбахор туманида жойлашган бўлиб, очик осмон остидаги музей ҳисобланади. Сармишсой дарасидagi қоятошларга ўйилган 5 мингдан ортиқ суратлар бутун дунё олимлари ва сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Ушбу дара Қоратоғнинг жанубий ён-бағридаги Нуротада, Сармишсой тоғлари Навоий шаҳридан 40 км.ча узоқликда жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг энг ноёб тарихий ва сайёҳлик комплекси.

Сармишсойнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда ажойиб ва хилма-хилдир. Музей фаолиятини ривожлантириш аҳолини, аynиқса, ёшларнинг маънавий савиясини ошириш ва умумбаشارий маданий ёдгорликлардан баҳраманд этиш мақсадида “Сармишсой” давлат музей-қўриқхонаси маданият ёдгорликларини илмий ўрганиш, маданий бойликларини муҳофаза ва реставрация қилиш, картография ва топография ишларини амалга ошириш масалаларига доир илмий алоқалар ўрнатиш, муҳофаза белгиларини ўрнатиш, жиҳозлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфраструктура тизимини яратиш, реклама ва тарғибот ишларини жонлантириш, туризм ва сайёҳлик учун қўлайликлар яратиш, шунингдек, “Сармишсой” ёдгорликларини ЮНЕСКО умуминсоний маданият ёдгорликларини рўйхатига киритилиши учун ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, юртимизда барча соҳалар каби музейшуносликка ҳам катта эътибор қаратилиб, уларнинг моддий техник базаси замонавий талаблар асосида шакллантирилиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қўшимча қўлайликлар яратилмоқда. Биз музей ходимлари Зарафшон воҳасининг қадим ва қўна тарихини келажак авлодга холисона ёритиб, аждодларимиз томонидан қолдирилган бой моддий маданий меросимизни кўз қорачигидек асраб келмоқдамиз.

Мақсуда ЖАББОРОВА,
Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими



» Маданият янгиликлари

Хамкорлик меморандуми имзоланди



4 август куні Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташиклоти ўртасида хамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ушбу тадбирда Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов сўзга чиқиб, жорий йил давомида соҳада амалга оширилган ишлар, хусусан, Ички ишлар ва

зирлиги билан биргаликда жамиятга татбиқ этилган маданий лойиҳалар ҳақида атрофлича тўхталди.

Шунингдек, келгусида хамкорликда бажарилиши лозим бўлган қатор лойиҳаларнинг ҳар икки соҳа тараққиётидаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Эндиликда, мазкур меморандумга мувофиқ Ички ишлар вазирлиги маданият саройи ходимлари Маданият вазирлиги би-

лан ҳамкорликда Ўзбекистон давлат консерваторияси ва шу каби манзилларда ўз ижодий малакаларини оширишди.

Таъкидлаш жоизки, бугун икки томонлама келишувга асосан имзоланган, ушбу меморандум доирасида амалга ошириладиган хамкорликлар нафақат маълум соҳа ривожига, балки мамлакатимиз истиқболи учун ҳам хизмат қилиб, кўплаб ёшлар ҳаётида янги саҳифалар очирилишига замин яратди.

» Муқаддас жойлар

Мўйи муборак зиёратгоҳи

Мўйи муборак Муҳаммад алайҳиссаломнинг сочи ёки соқоли бўлиб, мусулмон оламида муқаддас ашёлардан бири саналади. Алихонтўра Соғунийнинг ёзишича, Муҳаммад алайҳиссалом умри мобайнида тўрт мартабача соч олдирилган. Унинг сочларини саҳобалар табарруқ қилиб, ўзаро бўлишиб олганлар.


Муқаддас мўй ислом дини тарқалган дастлабки асрлардан бошлаб бутун мусулмон мамлакатларига олиб келинган ва унга махсус бинолар қурилган. Машҳур зотлар ҳаттоки вафотидан олдин ўзида сақланаётган Мўйи муборакни бирга дафн этишни васият қилганлар. Жумладан, Абул Аббос Қосим ибн Абдуллоҳ ал-Маҳдий Сайёрийнинг (960 йилда вафот этган) оғзига пайғамбаримиз мўйини солиб дафн этишган.

Шундан сўнг унинг Марвадаги қабри зиёратгоҳга айланган. Мўйи муборак муқаддас ашё сифатида ҳозирда Покистон, Туркия, Эрон, Хиндистон сингари мамлакатларнинг масжид ва музейларида сақланмоқда. Ўрта Осиёга дастлаб Хасрада олиб келинган. Бухоро амирлиги ва хонлиги даврида мазкур мамлакатларнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Туркистон шаҳарларида Мўйи муборак баъзи уламолар томонидан олиб келинган ёки Туркия султонлари томонидан совға қилинган.

XIX асрга келиб жой номлари, масжидлар, мақбаралар Мўйи муборак номи билан аталган. Фарғона vodiysининг Марғилон шаҳрида Мўйи муборак масжиди, Мўйи муборак мазори ҳам мавжуд бўлган. Қўқон шаҳрининг чекка қисмида жойлашган Овчи қишлоғида хонларнинг қароргоҳи бўлиб, ҳукмдорларнинг тахтга ўтириш маросими ҳам шу ерда ўтказилган. Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврида ушбу мавзегга Мўйи муборак олиб келиниб, унга атаб хонақоҳ барпо этилган.

Қўқон хонлиги даврида Мўйи муборак ёдгорлиги ўрда вазифасини ҳам бажарган. Хонақоҳ атрофи Худоберхон даврида қалъа сифатида девор билан ўралиб, таъмирланган. В.П.Навлиннинг ёзишича, ўша вақтда муқаддас мўйни зиёрат қилгаш учун аҳоли тўхтовсиз оқиб келган, шундан кейин қишлоқ номи Овчи эмас, Мўйи муборак номи билан машҳур бўлди. Шунингдек, Қўқон шаҳридаги мавжуд 12 дарвозадан бири ҳам ушбу ном билан аталган.

Қўқон хонлигида сақланган Мўйи муборак етти ёғоч сандиқ ичига беркиртилиб, еттинчи сандиқ шишадан



ишланган. Шиша сандиқ ичида тилла найча бўлиб, унинг ичига Муҳаммад алайҳиссаломнинг муқаддас мўйи жойлаштирилган. Муқаддас мўй фақат жума ва мавлудий шариф ҳамда рўза ва қурбон ҳайитидагина халқ олдида олиб чиқилиб, унга бағишланган маросим ўтказилган. Ушбу маросимнинг ҳам ўзига хос шартлари бўлган. Унда иштирок этувчиларнинг жинсидан қатъи назар таҳоратли бўлишлари ва Мўйи муборак давра бўйлаб олиб юрилганда таҳлил, яъни "Ла илаҳа илаллоҳ" деб айтиб туришлари керак эди.

Муборак мўйни мазорнинг шайхи бошига қўйиб, давра айланган. Агар мўй чиндан ҳам пайғамбарга тегишли бўлса, у саволат айтилаётган вақтда тилло найчадан ўсиб чиқиб, ўзидан шуъла таратган. Саволат қанча вақт ўқилса, шунча вақт ёруғлик чиқариб турган. Агар ихлос билан шу маросимда зиёратчи пайғамбарга саволат айтса, бу мўъжизанинг гувоҳи бўлган. Шу сингари маросим Туркистон шаҳридаги Яссавий қабри қилватхонасида ҳам ўтказилган. Зиёратчилар Яссавий қабрини зиёрат қилишган, сўнгга қилватхонага тушишган. Туркистон азияли қилватхонага қўлида Мўйи муборак, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўйи (мўйлаби) солинган шиша идишни кўтариб кирган. Нақл қилишларича, саволат айтилганда, мўй шиша идишдан кўтариб ташқарига чиқар, саволат тугагач, яна идиш ичига қайтиб кирармиш. Муҳаммад пайғамбарнинг мўйи бундай тарзда мўъжиза кўрсатиши ва унга муқаддас ашё сифатида қаралиши тубайли ҳар бир мусулмон давлатининг ҳукмдори ўз тасарруфида шундай

муқаддас ашёнинг бўлишига ҳаракат қилган.

Ўрта асрларда Мўйи Муборак сингари пайғамбарга тегишли буюм ва ашёлар катта миқдордаги маблағ эвазига ҳукмдорлар томонидан баъзи бир шайхлар қўлидан сотиб олинган. Бу ҳолат кейинчалик ҳам давом этган. Шу боис айрим фарибгарлар бойлик орттириш илнжиде сохта мўйлардан фойдаланишган. "Мунтахаб ат-таворих" китоби муаллифи Ҳакимхон тўра Ҳўқандий ҳам Мадалихон даврида Қўқонга олиб келинган Мўйи муборакнинг сохта эканлигини айтди.

Ҳозирги кунда Марғилондаги Мўйи муборак мазори археологик ва архитектура ёдгорлиги сифатида сақланиб қолган. 1996 йилда олиб борилган археологик тадқиқот ёдгорлиқнинг III-IV асрларга мазкур ёдгорлик маҳаллий ҳукмдорнинг қароргоҳи вазифасини ўтаганилигини кўрсатди.

Бугунги кунда Мўйи муборак йўқолганга қарамай мақбара ичида чинор дарахтидан ишланган сандиқ бўлиб, у аҳоли томонидан зиёрат қилинади. Хонақоҳга киришдан олдин аёллар "бу зиналарга улуг зотларнинг пойи қадами теккан" деб кириш қисмидаги зиналарни кўзларига суртадилар. Зиёратчи аёллар Мўйи муборак мазори олдидаги тут дарахтига ниятларини айтиб, латталарни боғлашгач, мазордаги тупроқдан турли тери касалликларига даво сифатида олиб кетишди ёки идишларини суви билан қолдириб, эртаси кун "қайтарма", яъни унга шу мазордаги улугларнинг руҳи-нафаси теккан, деб шифо суви тариқасида ичишади. Илгари Мўйи муборак хонақоҳи ёнида сайидлар мазори бўлиб, муқаддас мўйга сайидлар хонадони эгалик қилишган.

Марғилондаги Мўйи муборак мазорини, ҳатто, рус тадқиқотчиси А.П.Федченко ҳам зиёрат қилган. Бироқ у бир мазорда Мўйи Муборак исми авлиё дафн этилган ва мазорнинг номи ҳам шундан келиб чиққан деган фикр билдирган.

У. АХМЕДОВА, Ж. ТОЙБОЛАЕВ, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари

» Мозий чизгилари



Воҳадаги илк тасвир намуналари

Тош асрида одамлар ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмларни яратишда, жумладан, либос, турар-жойлар тайёрлаш жараёнида қулайлик, мақсадга мувофиқлик тушунчалари ривожланиб, ритм, симметрия хисси ортди. Инсон онгининг шаклланиб бориши натижасида лойдан ясалган рўзгор буюмларига турли хилдаги нақшлар билан ишлов бериш, тасвирлар чизиш қўникмаси шаклланди. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида Сурхон воҳаси ҳудудидан топишган, Қўхитанг тоғлари этакларида жойлашган қоятош расмлари – Ҳисор тизмасининг жанубий ғарбида, Қўхитанг тоғининг шарқий ёнбағридаги Зараутсой дарасининг ўнгир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъат намуналарини келтириш ўринли.

Уларда ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчки, ҳашарот), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуруллар), ниқобланган одамлар ўзига хос тарзда ҳаётли қилиб ишланган. Зараутсой расмлари ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида муҳофаза қилиш учун "қизил китоб"га киритилган.



Ибтидоий даврларда инсонларда бадий тасвирнинг шаклланишини билиш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, Зараутсой суръатларига бадий ифодавийлик ва композицион яхлитлик ҳосилдир. Булар аждодларимизнинг инсоний туйғуларни ранг-баранг, истеъдод, дид ва савияси анча юксак бўлганидан далолат беради.

Тасвирий санъат инсон онига таъсир этиб, унда эзгу хис-туйғуларни уйғотади. Республика-миз миллий мустақиллигини қўлга киритиши натижасида халқимизнинг маънавий ва маърифий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўла бошлади. Ана шу даврдан эътиборан ёш авлодни тарбиялаш

усуллари ва йўналишларида миллий имконият ва руҳиятимизга мос томонлар ишлаб чиқилди.

Воҳа маданиятини ривожлантириш ва тасвирий санъатни камол топтиришда вилоятимизда яшаб ижод қилган Рўзи Чориев, Х.Ҳасанов, Ч.Мамадуллоев, С.Аҳмедов каби мусаввирларнинг хизматлари беқиёс. Республика мусаввирларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон халқ расми, Ўзбекистон бадий академиясининг академиги, давлат мукофоти совриндори Рўзи Чориев ижоди янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Мўйқалам соҳиби бўлган буюк расом янгидан-янги асарлари билан тасвирий санъатимиз хазинасини янада бойитди. Расом номини абадийлаштириш ҳамда эртанги келажакимиз бўлиши иқтидорли, ҳаваскор ёш ижодкорларнинг ўз истеъдодларини намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Рўзи Чориев номидида ижод мактаби ташкил этилди.

Вилоят маданияти тарихида кутубхона, клуб, кинотеатр, музей, санъат ва халқ ижоди уйлари, бадий ҳаваскорлик дасталари, спорт иншоотлари каби муас-

сасаларнинг алоҳида ўрни ва хизмати ортиб бормоқда. Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи намоёиш залидан ўрин олган буюк мусаввирнинг "Пошхурт манзараси", "Оқшом", "Янги шаҳар", "Оқсоқол", "Қаҳрамон она", "Жарқўрғонлик киз", "Омонхона", "Аёл", "Қишда Сурхон лимонлари", "Сурхонлик Зухра", "Ярим тун", "Минора", "Пошхуртлик чўпон", "Пошхурт маҳалла раиси" каби моҳирона, нафис чизилган суратлари ҳар қандай томошабин эътиборини тортмасдан қолмайди.

Тахмина БЕГМАТОВА, Термиз давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими



Ибрат

Меҳр ва эътибор



Президентимизнинг 28 июль кунин Тошкент шаҳридаги 21-сонли Меҳрибонлик уйи фаолияти билан таънушуви, шу масалада видеоселектор йиғилиши ўтказганидан хабарингиз бор. Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев ушбу меҳрибонлик уйида бўлиб, муассаса тарбияланувчиси И.Раҳимжоновга Ўзбекистон дав-

лат санъат ва маданият институтининг Театр санъати факультети "Эстрада ва оммавий томошалар режиссерлиги" таълим йўналишига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификат, талабалик гувоҳномаси, китоблар жамланмаси, замонавий планшет ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий университети ректори Иномжон Ма-

жидов ҳам мажмур меҳрибонлик уйига келиб, муассаса тарбияланувчиси М.Новосёловага ЎзМУга талабалikka қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификат, талабалик гувоҳномаси ва қимматбаҳо совғаларни тақдим этди.

Эслайтиб ўтайтиш, ҳар икки тарбияланувчи ташриф чоғида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан талабалikka қабул қилинган эди.

Маънавият сабоқлари

Талабалikka бирга ўқиган қўқонлик дугонам ўғлига хатна тўйи қилиб, бизларни меҳмонга таклиф этди. Фурсат топган курсдошлар тўйга бордик. Ширингина ўтган шодиёнанинг энг аҳамиятлиси биз курсдошларнинг дийдорлашганимиз бўлди. Водийлик курсдош қизлар, воҳалик йигитлар, самарқандлик дўстлар тўй баҳона учрашдик. Ўша тўйда мени таажубга солган дугонамнинг 80 ёшли момоси бўлиб, у кишининг пойтахтда яшовчи дугонаси атайин шу тўйга келибди.

Дўстинг бўлса, юкинг ерда қолмайди

Қаранг, анча йиллар илгари икки дўст бир hafta муддатда икки қишлоқдан уйланадилар. Янги келинлар турмуш ўртоқлари каби дўст бўлишга аҳд қилишади. Орадан йиллар ўтади, ҳар икки оила фарзандли бўлади, тинч-хотиржам ҳаёт кечиради. Тақдир тақозоси билан дўстларнинг бири иш юзасидан пойтахтга кўчиб кетади. Ён қўшни – жон қўшни бўлган, баъзан бир қозондан овқат еб, бир кийимни кийиб улғаяётган, ҳамма ҳавас билан қарайдиган икки оила ҳар томонга ажралади. Энди нима бўлади. Дўстлар – шу кунга қадар дўстлигимиз завоқ билмади, фарзандларимиз ака-укадек катта бўлишпти, уларни ажратмаслик лозим. Тўй-маъракаларда, яхши кунларда тез-тез учрашиб тураимиз. Орамизга ҳеч қандай масофа тўсқинлик қилолмайди – деб келишиб олишади. Ёзги таътил пайтида тошкентликлар қишлоққа бобоникига эмас, айнан даданнинг дўсти амакиникига, мактабни тамомлаган қишлоқликлар эса пойтахтдаги амакиникида яшаб, ўқийдилар. Улар ўртасида ҳеч қачон сеники-меники бўлмаган. Оталар раҳматли бўлиб кетибди, аммо ўша дўстликини

Бир кун ишдан қайтаётиб таксига ўтирдим. Ҳайдовчи 60 ёшларни қоралаб қолган амаки экан, биз ҳаёт ва ўлим ҳақида суҳбатлашиб кетдик. Амаки, ўлим ҳақида сўз очганда негадир хавотирланиб гапирарди, шунда сўрадим: – Амаки, нима ўлимдан шунчалик қўрқасизми?

– Йўқ, қизим нега қўрқай, ахир бир бошга бир ўлим бор-ку?

– Унда нега ўлимни эслаганда бошқача бўлиб кетяпсиз?

– Бунинг ўзига яраша сабаблари борда.

– Тўғри, ҳаёт ширин, яшаш завқли, ҳеч кимни ўлгиси келмайди.

– Йўқ, қизим, бунинг учун эмас, менинг елкамда қиёмат қарзим бор, ўша қарзни узмай туриб ўлиб қолишдан қўрқаман.

– Сир бўлмаса қандай қарз экан, амаки, сизни ўлимдан-да узоқлаштиради.

– Э, болам, бу ҳақида ўйласам юрагим оғрийди. Мен дўстимдан ажралганман, тўғрироғи дўстимни йўқотганман. Сен дўст йўқотиш нималигини биласанми? Билмаганинг яхши, болам.

қолдиряпман. Сен мен учун ҳам яша, сўнгги илтимосим, дўстлигимиз ҳурмати фарзандларимни ўз фарзандларинг қатори қўриб, уларни келажақда ўз ўрнини топишида, турмуш қуриб бахтли бўлишида бош бўлишингни хошлаймман.

– Дўстим, бу нима деганинг, ҳали биргалишиб тўйлар қиламиз, набиралар кўраимиз. Кексайганда болаликдаги шўхликларни эслаймиз, ҳали отдай бўлиб кетасан, ахир, дард меҳмон-ку, нега тушқунликка тушасан?

– Йўқ, умрим поёнлаб қолди, бу ёғи сенга омонат, дўстим. Сени у дунёда туриб дуо қиламан. Рухим доим сен билан бирга бўлади, унутма.

Шу бизнинг сўнгги суҳбатимиз бўлди. Дўстим омонатини топширди. Ўшанга ҳам 15 йил бўлибди. Мен фарзандларимнинг барчасини уйли-жойли қилдим. Ўша дўстимнинг ўртанча қизини кенжа ўғлимга келин қилдим. Энди дўстимни кенжа фарзанди қолди. Шу қиз жойини топса, тўйларини ўтказса, мен ҳам хотиржам бўлардим дейманда. Шунга айтаман, ўлим шошмай тур, деб, сен бўлса ўлишдан қўрқасизми дейсан.

– Амаки, мен сизни яхши билмаганим учун шу фикрга келгандим-да. Мана энди тушундим ва сизга ҳавасим келяпти. Ахир, сиз чексиз савоб олиб, у дунёнинг жаннатига қафолат олиб бўлибсизку, – дедим амакига ҳавас билан боқиб.

Қаердир ўқигандим, дўст Худонинг исмига яширинган бўлади деб. Мана ҳақиқий дўст Худого қанчалар яқин бўлади. Ўзи учун эмас, дўсти учун яшаб юрган мана шу кичкина жуссали нуруний отахон, назаримда, дўстликка қўйилган тимсолга ўхшади. Шунинг учун айтсалар керакда, ҳалол одам учун дўстларга яхшилик қилишдан ҳам зарурроқ лаззат йўқ деб. Чунки ақли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди. Мустаҳкам дўстлик эса ҳаммаша мушкул дамларда юзага келади. Одамларга доноликдан сўнг бериладиган неъмат бу бебаҳо дўстликдир. Шу сабабли дўстсиз одамни ғариб дейдилар. Ниятимиз, дўстлик ришталари ҳеч қачон завоқ топмасин! Доимо йиқилмас суягувчи, ютуғимиздан қувонгучи, бизни ўзимиздай билгучи, самимий меҳр соғингучи дўстларимиз бор бўлсинлар, омон бўлсинлар. Биз эса дўстликини ардоқлаш саодатидан сармаст ашайлик.

Феруза ОРИПОВА,
журналист



бугун фарзандлари давом эттирмақда экан.

Ўзингиз тасаввур қилинг, 80 ёшли момо дугонасининг эвара тўйига довоқ ошиб боргани наҳот сизни ҳайратлантирмаса. Мана, дўстлиқнинг баҳоси нақадар улуг. Дўст шундайки, суҳбатингизга малол олмайди, узоқда юрсанг унутмайди, бойлик ва камбағалликда ўзгармайди, ҳожатинг бўлса, амалга ошириш учун жон-жаҳди билан қурашади, яхшилигини миннат қилмайди. Бирор ҳолати бўлса, сенадан яширмайди, ахволини сир тутмайди, сенга қанча кўп яхшилик қилса, уни шунча кам дейди. Бу ўша 80 ёшлик пойтахтнинг Тинчлик даҳасида истиқомат қилувчи Саломатхон момонинг гаплари.

Янги саҳна асариди

Мақом тараннуми

Марғилон шаҳар мусикали мақом театрида М.Тожибоев ва Ҳ.Расул қаламига мансуб "Мақоми танҳо" мақом спектаклининг жамоат кўриги бўлиб ўтди.

Достон Ҳақбердиев режиссерлиги остида саҳналаштирилган мажмур спектаклнинг эпик тақдиротида Ўзбек миллий мақом санъати маркази раҳбари Сойиб Бегматов, Театр арбоблари уюшмаси вакили, театршунос Тоҳир Дўстмуҳаммедов, драматург Хайитмат Расул, Фарғона давлат университети доценти Эмямин Қирғизов ва соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Янги саҳна асари комиссия аъзолари томонидан юқори баҳоланиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этиш учун бир овоздан маъқулланди.



Қадрият, Орият, Нафсоният

"Тилла"



Нихоят Муродшоҳ уйланадиган бўлди! Бу хушхабар бутун вилоятга тарқалди. Эшитганлар Раҳматжоннинг уйига гурра-гурра келабердилар: ахир оз эмас, кўп эмас 10 йил қутулган тўй ҳатто бегоналарни ҳам жуда қувонтирди. Оқибатдан айланай халқим: 4-5 йилдан буён чўзилиб ётган таъмирлаш ишларини бобою момолар, амакию тоғалар, жонкуяр дўст-ёрлар ҳа-ҳалашиб битиришди! Одатингдан айланай, халқим, меҳмонини бошига кўтариб, келинини бағрига босиб, жонини пояндоз қилиб қутиб оладиган эл яна қаерда бор?!

– Келаётган келинимиз оилада ёлғизгина, боз устига Тошканларда ўқийдиган таъби но-зик қиз экан, – дея қайнонанинг қувончи ичига сиғмайди. Бор бисотини ўртага ташлаб, кўрпа-ёстигини янгилаб, сараларини келинига атаб, таҳмонга уриб, сарпо суюғини жамлаб, ниҳоят хотиржам тортиди. Янги меҳмонхонанинг чўдек ёниб турган гиламларию, дарпардалари кўрган кўзни завқлантирди: ана дид, ана фаросат, келаётган келиннинг бахти бор экан...

– Бизнинг уйимизда қийналиб қолмасин, кенг ҳовлининг юмушлари толиқтириб қўймасин, – дея қайнота ҳам туну кун тиним билмади: ошхонаю, ювиниш хоналарини замонавий услубда уйнинг ичига қурди. "Раҳматжоннинг отасига раҳмат, келинига шундай шароитларни яратиб қўйди", дея дўст-ёрлар алқашди. Мақтовлардан бир қоп семир-ган Раҳматжон терисига сиғмайди: "Пул кетса кетар, қарзларимдан бир-икки йилда қутулиб оламан" дея ўзини опатади. Аммо хотини ҳам анча-мунча қарзга ботганини сезса ҳам, ўзини билмаганга олади. "Бир амали бўлар..." ҳаёлидан ўтказарди у.

Шундай қилиб, тўй кунин белгиланди, яна югур-югур бошланди: эмишчи, келиннинг тилларини бадастир қилиб олиб бериш куёв тарафининг зиммасида, яна бўйинга тақадиган занжирининг ўзи 22-25 грамм-лиси, келин қўйлак икки кунга икки хил, қимматбаҳолигидан бўлиши керак!!!

Ўзларича қалин пули керакмас, бу эски одат деган сўзлардан қувониб, ётоқхонани чиroy-ли мебелларга тўлдириб қўйишган Раҳматжон билан Эноҳон қуданикидан келган хабарчиға не деярини билмай қолишди: "Келин сарпога минг доллар берар эканислар?"

Эр-хотиннинг боши қотди: "Энди ни-

УЗБЕКИСТОН – АНКАРА

Маданий
ҳамкорликлар
янгиланмоқда

Анкара шаҳрида бўлиб турган Ўзбек делегацияси Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Анкара шаҳар Маданият ва туризм бош бошқармаси раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.

Учрашув чоғида, Анкара шаҳри Маданият ва туризм бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Маданият вазирлиги тасарруфидоғи маданият бошқармаларидан бири билан жорий йилнинг август ойида ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш бўйича келишиб олинди.

Муҳокама якунида Туркия давлати Маданият ва туризм вазирлигининг таркибий бошқарув тизимлари бўйича алоҳида маълумотлар берилиб, турк тажрибасини ўрганиш юзасидан барча саволларга жавоблар олинди.

Шунингдек, ташриф давомида делегация аъзолари янгидан барпо этилган Президент симфоник концерт саройи фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Жумладан, сўнгги замонавий технологиялар билан жиҳозланган саройдаги концерт

заллари, юқори маҳорат билан жойлаштирилган акустика жиҳозлари, чироқ усталарининг иш тажрибаси, музейда сақланаётган экспонатлар катта қизиқиш билан кузатилди.

Шундан сўнг, Симфоник сарой раҳбарияти билан учрашув ташкил этилди. Музокара давомида ҳар икки давлатнинг маданий соҳаси ривожига хизмат қиладиган бир қатор лойиҳалар муҳокама этилиб, муҳим икки-та лойиҳани амалга ошириш борасида келишиб олинди.

Мозийдан садо

Тарихдан маълумки, XVI аср бошларига келиб Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилиш шайбонийзодалар қўлига ўтди. Бу сулола вакиллари XVII асргача бутун Мовароуннаҳр, шу жумладан, Фарғонани бошқардилар. XVII аср бошида юз берган сиёсий воқеалар туфайли Ўрта Осиёда қўлаб майда ҳокимликлар вужудга келди. Ўша даврларда Ташкент, Балх, Ўратепа, Хоразм ва бошқа бир қанча вилоятлар каби Фарғона ҳам Бухоро хонлигига вассал ҳисобланган.

“Олтин бешик” воқеаси

Келин...

ма қиламиз, ҳали қуда тарафга юборилмаган мол, гуруч, ёғ, қаробка-қаробка шириликлар-у, салқин ичимликлар, қиз базм ўтказиладиган тўйхонаю, дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматлар... Ундан ташқари, тўйда хизмат кўрсатадиган хонандою созандалар машҳурларидан бўлиши керак эмиш...

Куёв бўлмиш ўйлаб қолди, “Бу ёғи қандай бўлди энди, ахир тўйдан кейин ҳам яшашимиз керак-ку?” Энди синглисининг контрактига қўшиб келин боланинг контрактини ҳам тўлаш унинг зиммасида. “Қизиқ, бу харажатлардан бўлгуси қайнотамнинг хабари бормикин? Нима учун бир чеккада жим қараб турибдйкин, ахир ўзи ҳам ёлғиз қизи учун нимадир қилиши керак-ку?”

Шу топда севгани учун тайёрлаган анвойи гуллар-у, чўғдек ёниб турган чироқлар бир зумда қоронғида қолгандек вужудини сескантириб юборди. Ҳали ҳаёлларини йиғиштириб ололмай, эшик тақиллади: келиннинг янгаси келибди, беш миллионга ички кийимлар олишибди, шунинг уч миллионини беришлари керакмиш?

Бу гаплардан хабар топган Энажон ўзини тўтиб туролмади: “Шу билан бўлдимикин, ё ана бераримиз борми сизларга?” Қиз яна бўлса, ерга қараб: “Менга фақат бу гапларни етказиш топширилган, бошқасини билмайман, – деди. – Бироқ яна бир гап-



ни айтишим керак: кеча келиннингиз бир қариндошимизникига тўйга бориш учун юзини пардоз қилдирувди 500 000 сўмга. Энди ўзининг никоҳ тўйига 1 000 000 сўмга пардоз қилдирмоқчи. Шу пуллари ҳам сизлар тўлашингиз керак экан...

Ана сизга қадрият, урф-одат, анъаналаримизга муносабат. Бундай ноҳозир одатларни ўйлаб топаётган бизнинг ота-боболаримиз эмас, ҳозирги куннинг “энг замонавий қайнонлари, аниқроқ айтганда, нафси ҳақалак отган, пулни шамолга со-вурладиган калтабин, нокас кимсалар” дир.

Энди шундайларнинг инжиқликлари учун “фарзандим бахтли бўлса бўлди” дея ўзини ўққача чўғга урадиганлар, ориятни баднафслик қурбонига айлантираётганларни тўғри йўлга солиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини унутмаслик... сиз замондош...

С. РАҲМОН

XVIII аср бошларига келиб сиёсий вазият яна ўзгарди, Фарғона водийсида яшаган халқлар ўзлари учун янги давлат қуришга астойдил бел боғлашди. Бухоро хони Абдулмўмин вафотидан сўнг чекка худудлар сингари Фарғона водийси-га аштархонийлар эътибори қамайгани, бу вилоят ташқи талончилик ҳужумларидан ҳимоя қилинмаётгани, қолаверса, водийда ўзига яраша кучли қабилалар бирлаша бошлагани бунга сабаб бўлди.

Шу ўринда кейинчалик “Олтин бешик воқеаси” номи билан машҳур бўлган ва Қўқон хонларининг асждодлардан эканлигини тасдиқловчи бир ривоятни ҳам келтириб ўтиш зарур. Ёзма манбаларга асосланиб, рус географи В.Наливкин (1852-1918 й) шундай ёзади: “Айтишларига қараганда, 1510 йилда Шайбонийхон ўз қўшинлари билан Махмудобод (ҳозирги Мари вилояти) яқинида эронликлар томонидан тормор этилгач, ўша вақтларда ўзига Афғонистонда қудратли давлат тузишга муваффақ бўлган Бобур Мирзо Эрон шоҳи Исмоилхон мададида таяниб, теурийлар сулоласини қайта тиклаш мақсадида Самарқандга кириб келади. Лекин ярим йилдан сўнг унга қарши Самарқанд аҳолиси Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон бошчилигида қўзғолон кўтарди. (Бунга сабаб Бобур Мирзонинг шиа оқимида мансуб эронликлардан мадад олганлиги эди). Убайдуллахон қўшинлари нисбатан камчилиги ташкил этганига қарамай, голиб чиқишга муваффақ бўлади. Натижада Бобур ўғлини, икки хотинини, хазинани ва яна бир неча хизматқору яқинларини ўзи билан олиб, Самарқандни тарк этади. Худди шу ердан Қўқондаги ҳукмдор сулолани шахсан Амир Темурга бориб тақовчи афсона бошланади.

Ушбу афсонага мувофиқ: “Бобур Самарқанддан қочиб Ҳиндистонга борар экан, тўғри йўл билан эмас, балки Фарғона водийси орқали кетишни маъқул деб топади. Айтишларига қараганда, Бобур Мирзо водийдан ўтаётиб, бу ерларни аллақачон душман томонидан эгалланганлигини кўргач, водий жанубидаги тоғлар оралиғидан ва Ҳисор вилояти орқали Афғонистонга йўл олган. Яна бир бошқа ривоятга таянадиган бўлсак, Бобур Мирзо тезлик билан бутун водийни кесиб ўтиб, ҳозирги кунгача фойдаланишда бўлган “Терак дово” орқали Қашқар-Ҳиндистон йўлига чиқиб олган. Самарқанддан қочиш вақтида Бобурнинг Сайидофок исмли хотини ҳомилдор эди. Қочқолар Фарғонага келишиб, ўша вақтларда Қонибодом ва Ҳўжанд атрофларида мавжуд бўлган қўлабларга етганларида Сайидофокнинг тўлғоқ тутиб, шу ерда ўғил кўради.

Ҳар томонлама ўраб турган хавф-хатардан

чўчиб, қочқолар иложи борица тезроқ юриш мақсадида ўз ҳаракатларини сустлаштирмай бо-ришарди. Шу боис чақалоқни йўл азобидан но-бўд бўлгандан кўра, тақдир тақозоси билан Ҳудода топириб, йўлда қолдириб кетишни маъқул кўрадилар ва ўзлари у ерлардан зудлик билан қўлаб кетишарди. “Эҳтимол шу атрофдаги бирон-бир одам чақалоқни кўриб қалар”, – деган умидда Бобур Мирзо йўл четида, чақалоқнинг ёнига бир халта олтин ташлаб кетади”.

Бу афсонани “Таворихи Шоҳруҳий” китоби муаллифи Муҳаммад Ҳўқандий қуйидагича келтиради: “Алҳол, Ҳўқанд воҳасига сув келтирган катта сойдин ўтгонда кўрибдиларким, сойнинг икки тарафинда қўл элтиятлар ижтимоъ кўним қилиб ўлтирибдурларким, муни кўриб Бобурхон, кимхоб ва заррин матоҳларга ўралиб, олтин бешикка боғланган бир ёш боласини, тоғу тошдан шиддат ила олиб кетиш иложи йўқлигини, Маҳал гузаргоҳга қўниб, Искандар ҳожа номлиг бир зокйи ва хушёр одамни ул бешик илан бола-га қоровул тайин этибдурларким, “то ушбу бола бирон покдомон одамнинг қўлига тушиб, олиб кетгондин сўнг бизларнинг ортимиздан етиб олурсиз” деб тезлик илан ўз йўллариди равона бўлибдурлар...”

Ўша вақтларда Чаканад, Сарой ва Таргова номли қишлоқларда уч хил қабилла яшарди. Улар бир ўрдага бирилашиб, жойдан-жойга кўчиб юришарди. Бу қабилладигилар катта ариқни тозалаш мақсадида ўша бола ташлаб кетилган жойдан ўтиб кетаётганларида уни кўриб қоладилар. Боланинг қимматбаҳо матоларга ўралиб ётганлигини ва унинг ёнида бир халта олтин борлигини ўз уруғ бошлиқларига бориб айтганларида, уруғ бошлиғи таажжубга тушиб, болани оддий оиладан эмас, деган фикрга келади.

Бу кўчманчи қабилалар болани ўз қарамог-ларига олишиб, унга анъанага мувофиқ “Олтин бешик” деб исм қўйдилар. Олтин Бешик ул-гайгач, унга “Бий” унвонини беришиб, ўзларига йўлбошчи қилиб олдилар.

Шу афсонага мувофиқ, маҳаллий тарихчиларимиз Қўқон хонларининг келиб чиқиш тарихи-ни батафсил ҳикоя қилишади. Ундан кейинги 200 йилга яқин вақт мобайнида Минг уруғи орасида унинг авлодлари “бий”лик, XVIII бошидан XIX иккинчи ярмига қадар эса Фарғона давлатининг хони бўлиб ўтдилар. Бу айтиб ўтилган ривоятлар-га Қўқон хонларининг ўзлари ҳам доимо ишонч билан қараганлар, ҳар доим ишларини ўша улў-зотлар – Бобур Мирзо ва Амир Темур ишларидан намуна олиб қилар эдилар ҳамда бу билан улар жуда ҳам гурурланардилар. Шеърят мулки ма-ликаларидан саналган, Қўқон хони Амир Умар-

хоннинг рафиқаси Нодирабегим ҳам шу ривоят-га қаттиқ ишонган бўлиб, фарзандларидан бири дунёга келиши муносабати билан ёзган шеърда шундай мисралар учрайди:

*Баҳри давлатийдин башортиа сизга эй, ахли жаҳон,
Бир Ҳумонот тифл Бобур наслидин бўлди аён.
Навнйохли бўстони Теури Соҳибқирон
Умридин бар тоғгай у шахзодаи олинийшон.*

Шундай қилиб, XVIII аср бошларига, яъ-ни 1710 йили Фарғона водийсидида энг кат-та қабилалардан бири – Минглар уруғи ўзини Фарғона музофотининг ҳукмдори деб эъ-лон қиладди. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Шоҳруҳбий бўлиб, 1721 йилга қадар ҳукмронлики-ни ушлаб туради. Хонлик дастлаб “Фарғона” деб аталган. 1732 йили Абдурахимбий пойтахтни Тепакўрғон қалъасидан ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнига қўчириб, шаҳар пойдеворини қуриради. 1741 йилда Қўқон пойтахт сифатида тўла шакл-ланади. 1858 йилдан бошлаб Бухорода Қўқонга мустақил давлат сифатида қарай бошланган. Шу даврдан бошлаб Фарғона музофоти Қўқон хонли-ги деб аталади.

Қўқон хонлигини бошқарган хонлар: Шоҳруҳбий (1710-1721 йй), Абдурахимбий (1721-1734 йй), Абдукаримбий (1734-1750 йй), Абдурахмонбек (1750 й 9 ой), Эрдонабий (1751 й 6 ой), Бобобек (1752-1753 йй), Эрдонабий (1753-1769 йй), Норбўтабий (1769-1799 йй), Олимхон (1799-1809 йй), Умархон (1809-1822 йй), Мада-лихон (1822-1842 йй), Шералихон (1842-1845 йй), Муродхон (1845 йй 11 кун), Худоёрхон (1845-1858 йй), Шоҳмуродхон (1858-1862 йй), Худоёрхон (1858-1863 йй), Султон Саидхон (1863-1864 йй), Худоёрхон (1865-1875 йй), Насриддинхон (1875-1876 йй)лардир.

Айниқса, Амир Умархон (1809-1822 й) даври-да хонликда тинчлик ҳукм суриб, илм-фан, ма-даният, адабиётга эътибор қучайди. Умархон-нинг ўзи ҳам “Амирий” тахаллуси билан гўзал шеърлар ёзган.

Хонлик даврида адабиёт соҳасида Махмур, Нодирабегим, Гулҳаний, Увайсий каби кўп-лаб шоирлар ижод қилишиб, маънавий ҳаётнинг бойишига ҳисса қўшдилар. Хонлик шимолидаги даштларда қурилган истеҳкомларнинг кейин-чалик шаҳарларга айланиши ҳам ижобий воқеа бўлди. Хонлик даврида ўзбек, тожик, қозоқ ва қирғизларнинг ўзаро алоқалари янада самара-ли кечди. Улар ҳар жиҳатдан бир-бирларининг тилини, маданиятини бойитдилар.

**Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ,
Умидаҳон АҲМЕДОВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи ходимлари**



Хамкорлик алоқалари

Сурхондарёга
расмий
ташриф

Тожикистон Республикасининг Хатлон вилояти раиси Қурбон Ҳакимзода бошчилигидаги делегация 23-24 июль кунлари расмий ташриф билан Сурхондарё вилоятига келди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад ҳудудларaro савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кучайтиришдир. Тадбир давомида икки қардош мил-

латнинг дўстлигини ифода этувчи очик осмон остидаги концерт дастури намойиш этилди.

Унда вилоят маданият бошқармаси, мусикали драма театри, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси бўлими, филармонияси, Бойсун тумани ҳамда Термиз шаҳар маданият бўлимлари хонандалари, раққосалар жамоаси томонидан ҳамда Тожикистон Республикаси Хат-

лон вилояти маданият бошқармаси, санъат усталарининг ҳамкорликдаги концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Ш.Жўраев,
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш шўъбаси мудири

Унутилмас ҳисса

Ўткир ҲОШИМОВ
асарлари
турк тилида
чоп этилди

2020 йил 2 декабрь куни Президентнинг "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди.

Ушбу ҳужжатда Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамияти таъкидланиб, адиб таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар режасида унинг қорақалпоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш ҳам белгилаб қўйилган эди.

Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш йўлида бутун Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳам бир қатор ишлар қилиняпти. Университетнинг "Таржимашунослик ва халқро журналистика" кафедраси доценти, таржимон Хайрулла Ҳамидов ва унинг шоғирдлари томонидан адибнинг бир қанча машҳур ҳикоялари ва асарларидан парчалар турк тилига ўтирилди. Бу асарлар "Ötkir Haşimov. Seçme Hikâyeler" ("Ўткир Ҳошимов. Танланган ҳикоялар") номи остида чоп этилди. Китобга университет ректори Г.Рихсиева сўзбоши ёзган.

Университетда устоз-шоғирд анъанаси асосида амалга оширилаётган ижодий ишлар мактабига аризулик. Китобга Хайрулла Ҳамидов шоғирдларининг таржималари ҳам саралаб олингани бунинг яққол исботидир. Хусусан, унда буюк сўз устасининг "Янга", "Тасодиф", "Урушнинг сўнги қурбони", "Бахт", "Ғаройиб саёҳат" ва бошқа ҳикоялари, шунингдек, машҳур "Дуненинг ишлари" ва "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" номли асарларидан парчалар, адиб асарларида бот-бот қўлланилган пурмаъно ҳикматли сўзларининг туркча таржималари ўрин олган.

Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик университети ижодий жамоаси томонидан адиб таваллудининг 80 йиллигига камтарона тухфа бўлади, деб умид қиламиз.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби Ўткир Ҳошимов 1941 йилнинг 5 августида Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмiasi
Ахборот хизмати

Тарих силсиласи

Ўз қотилини
даволаган
донишманд

Хар бир даврда ҳам аламзада ва чин инсоний фазилатларга эга инсонлар бўлган. Ҳаттоки ўз душманига ёмонлик раво кўрмайдиган етук шахслар ҳам. Қуйида улардан бири ҳақида сўз боради.

Хукмдор рақибини йўқотиш учун зиндонда ётган ўғрини озодликка чиқарди. Талончилиги боис бир неча бор қамалган бу жиноятчи хибсдан қутулиш, ўз ҳаётини сақлаб қолиш, бола-чақасининг эртасини ўйлаб, қотилликка рози бўлди. Унинг қабиҳиятини эса ўлдирилиши режалаштирилган зот билиб қолди. Ва буни тақдирдан, дея тан олди. Ул ҳазрат бутун шарққа машҳур Мирзо Шафειй эди...

Мулла Олим Маҳдум "Туркистон тарихи" асарида: "Амир Насруллох Бухорога подшоҳ бўлганидан кейин биродар ва ақориларини тамом махв ва нобуд қилди", дея ёзиб қолдирган. Ҳақиқатан ҳам, 1826 йилда тахтга чиққан Насруллохон ўз оғаниларини, амир бўлишида ёрдам берган амалдорларини ҳам ўлдиштириб юборган. Ана шундай золим, қаттиққўл амир-га бўйсунмаган Шахрисабз ва Китоб беклари эса унинг кучли мухолифлари эди. Улар урушлар, хаддан ташқари кўп солиқ йиғишга қарши бир неча бор халқни кўзаб, исён кўтаришди.

1846 – 1850 йиллардаги Шахрисабз ва Китобдаги исённи бостира олмаган Насруллохоннинг қўшини пароканда бўлди. 80та замбарак ҳам иш бермади. Исёнчилар қаттиқ қаршилиқ кўрсатган Насруллохон ўз навкарларини Бухорога тўппаб, бироз дам олдириди. Қўшин қайта жамланиб, навкарларга пул, катта ваъдалар, харбий таълим берилгач, 1851 йилда яна Китоб ва Шахрисабзга юриш уюштирилди. Бу гал қўшин Дахяк қишлоғига яқинлашганида, уч-тўрт кун тинимсиз ёмғир ёғиб, саросимада қолган навкарлар орқага қайтдилар. Бир ойча вақт ўтиб, иккинчи юриш пайтида отлар касалликка учраб қирилди. Бундай шармандали юришдан амир олдида мулзам бўлган қўшин бошлиқлари, вазирлар ҳамма кўргилик сабабини Мирзо Шафειйнинг қароматлари билан боғлашди. Ростдан ҳам Насруллохон қўшинининг мағлуб бўлиши Шафειй ҳазратлари қаромати туфайли эди.

Нафақат амирлиги Туркистон ўлкасида, балки бутун мусулмон оламида таниқли бу зот – Дарвеш Муҳаммад Азимо-

дий Раҳимуллобек исмли донишманд бўлган. У кўп йиллар Ироқ, Сурия, Эрон ва Хиндистонда яшаб, ҳаж зиёратини ҳам бажо келтирган исломий илм пешволаридан эди. Мирзо Шафειй тахаллуси билан шухрат қозонган бу зот Китоб беги Хўжақули парвоначи марҳамати туфайли бир неча йиллардан бери Дахяк қишлоғида яшаётганди. Бу қишлоқда катта хонақоҳ ва мусофирхона барпо эттириб, шоғирдларига исломий илм ҳамда табобатдан сабоқ бера бошлади. Бева-бечора, етим-есир, қаландарлар бошини силашни ҳам қанда қилмасди.

Мирзо Шафειй Насруллохоннинг золимлиги, босқинчилиги ва ахлоқсизлиги ҳақида кўп эшитганди. Китоб ва Шахрисабзликларнинг зулмга қарши исён кўтарганидан ҳам хабардор эди. Ана шундай қунарлардан бирида Насруллохоннинг черик (эскичада қўшин, лашкар) тортиб, Дахякка яқинлашганини сездди. Шунда ул соҳибқаромат зот ўз илминини ишга солиб, уруш туфайли халқ қирилиб кетмасин дея, Яратганга илтижо қилиб, амир қўшинига қарши табиий офат сўради ва тинимсиз ёмғир ёғдирди. Уч-тўрт кунгача тинмай момақалдиқроқ гўмбурлаб, оту навкарларга дахшат солди. Ёмғирдан нафақат навкарларнинг кийим-боши, ҳатто, замбараклар ҳам абгор ҳолга келганди. Ортга қайтиб, иккинчи бор юриш қилиш палласида эса, юқорида баён қилганимиздек, отларга ўлат тарқади, навкарлар ҳам касаллана бошлади. Қўшин саросимага тушиб, ҳатто, навкарбошию амирга итоат этмаслик доллари юзага келди.

Насруллохоннинг Султон Мурод исмли амалдори ва Мулло Раҳмонберди Маҳдум каби вазирни юриш мағлубиятининг сирини Мирзо Шафειй билан боғлаб, ул донишмандни ўлдиришни таклиф қилдилар. Амир учун бу таклиф айни муддао эди. Чунки у кимни бўлмасин ўлдириб, мақсадига етса, Шахрисабз ва Китоб исёнкорларини тиз чўктирса, қийон эди. Шу боис у вазир Раҳмонбердининг айтганига қўниб, зиндонда ётган ўғрини Мирзо Шафειйни ўлдирмоққа йўллади.

Ўғри дарвеш никоби остида бир муддат

Китоб ва Шахрисабзда юрди. Сўнг Дахяк қишлоғига бориб, Шафειйнинг мусофирхонасидан қўним топди. Сохта дарвеш зиндонда кўп ётганидан, қолаверса, пиёда йўл юрганидан, оёғи шишиб, хасталаниб қолди. Соҳибқаромат Шафειй ҳазратлари бемор ким бўлишидан қатъи назар, муоалажа ҳам қиларди. Шу боис у "дарвеш" ни ҳам бир ойдан кўпроқ вақт давомида даволади. Қўл томири, оёғининг ширини ушлаб, пешана ва кўзини кўриб, ундаги шум ниятини – ўзини ўлдирмоққа келганини англаб етди. Шундай бўлса-да, муоалажани давом эттириб, "дарвеш" ни оёққа тургазди. Шум ниятда келган ўғри соғайган, Шафειйга раҳмат айтиб, тиз чўкди.

– Ўрингиздан туринг! Мен бандасини тиз чўқтирадиган, Аллоҳ берган жонни олувчи қаттол амир эмасман! Ислоий илмни имкон қадар эгаллаётган ожиз инсонман. Сиз эса ният қилиб Дахякка келибсиз, хасталанибсиз, энди соғайдингиз. Афсуски, сизга ниятингизга етиш буюрилган экан, – деди Шафειй ҳазратлари.

Бу сўзларни эшитган сохта дарвеш нияти ошкор бўлганидан таймовсираб, сесканиб кетди. Донишманднинг юзига тик боқолмай тураверди. Шафειй ҳазратлари эса тақдирга тан бериб, мусофирхонадан чиқди. У ўғрининг озодликка чиқишини, оиласи, бола-чақасини ўйлаб, ўлдириш ниятида келганини сезган эди.

Эртаси кунни ўғри Мирзо Шафειйнинг хужрасига кириб, эндигина хуфтон намозини ўқиб, ўридан турётган пайтида қилич билан бошини олди.

Сохта дарвеш соҳибқаромат зотнинг азиз бошини Бухорога етказиб, озодликка чиқди. Аммо кўп ўтмай, ўзи телба бўлиб қолди. Уни қотилликка йўллаган Султон Мурод, Мулло Раҳмонбердилар халқ қарғишига учраб, касалликка чалинди. Амир Насруллохон эса 1860 йилда Мирзо Шафειйнинг шоғирди – малика Кенас оғим томонидан қулোগига симоб қўйиб ўлдирилди. Симобни маликага Дахякка борганида Шафειй берган экан.

Умид БЕКМУҲАММАД

Табъиянома

Бевакт
кетганлар

Ўқитувчилик – энг улуг ва шарафли касб. Улар зиммасида авлод камолоти ва тарбияси билан боғлиқ улкан масъулият бор. Бир устоз йўқотилса, кўплаб навхонлар озукасиз қолади. Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси Толмас Ғафоров ҳам ана шундай тенги йўқ, ўз оиласи, юзлаб ўқувчилари ва шогирдларига керакли инсонлардан бири эди. Бироқ бевакт ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Меҳнат фаолиятини 1964 йил Наманган давлат санъат билим юрти халқ чолғу асбоблар кафедраси ўқитувчиси вазифасидан бошлаган Толмас Ғафоров 1968 – 1978 йилларда ушбу билим юрти директори лавозимига кўтарилган. Шунингдек, мазкур даргоҳнинг курилишига асос солган инсонлардан бири эди.

Устоз 1998 йил “Шуҳрат медали”, 2015 йилда “Олий ва ўрта махсус касб-хунар таъ-


лими аълочили” унвонлари билан мукофотланган. 100 дан ортиқ истеъодли шогирдлари Ўзбекистонимизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юрларида меҳнат фаолиятини олиб боришмоқда.

Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби жамоаси Толмас Ғафоровнинг бевакт вафоти муносабати билан устознинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Тарихий тараққиёт

Кеча ва бутун

Тош асри – инсоният тараққиётидаги энг қадимий давр бўлиб, унда меҳнат аякма-як ҳамда қурол-яроғлар асосан тош, ёғоч ва суякдан ясалган. Бу аср асосан уч даврга бўлинган: 1) Қадимий палеолит 2) Ўрта мезолит 3) Янги неолит.



Тош асри бундан 2 миллион йил олдин бошланиб, Ўзбекистонда 4 минг йил бурун тугаган. Баъзи ҳудудларда узокроқ ҳам давом этган. Тош даврида одамлар темирчилик, овчилик, балиқчилик билан шугулланишган. Неолит даврига келиб эса дехқончилик, чорвачилик ҳам пайдо бўла бошлаган. Ижтимоий муносабатлар “Ибтидоий одамлар” тўдасига, кейинроқ ибтидоий уруғдошлик тузумига хос бўлган. Қадимий палеолит уч даврга бўлиб ўрганилган: Куйи палеолит, Ўрта палеолит ва Юқори палеолит даврлари.

Илмий хулосаларга кўра, Куйи палеолит даври одам илк бора меҳнат қуролларини ясаган вақтлардан бошланган. Бу жараён ер шарининг турли жойларида, турли вақтларда содир бўлган. Лекин қаерда, қачон бошланганидан қатъи назар, куйи палеолит инсониятнинг энг узок давом этган тарихини акс эттирувчи даврди. Тош сири техникасининг такомиллашуви тўғрисида нуклеуслар ва улардан ўткир учли учбурчаксимон ўриндиқларнинг юзага келиши билан куйи палеолит ўрнини ўрта палеолит – “мустье” даври, яъни “мустье маданияти” олади. Ундан кейин юқори палеолит даври бошланади.

Ўрта Осиёда ўрта палеолит ҳозирги кунимиздан 200 минг йил аввал бошланиб, ўрта ҳисобда 160 минг йил давом этади ва ўрнини 50 минг йил аввал прогрессивроқ бўлган юқори палеолит даврига бўшатиб беради. Юқори палеолит даврида асосан реалистик санъат ривожланган. Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, горлар деворларига турли тасвирлар чизиб сўнгги палеолит даврига оидир. Ўша давр одамлари ҳайвонларни овлаш жараёнини қандай кўрган бўлишса, гор деворларига шундай тасвирлашган. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жангвор қуролларини билиб олиш мумкин, шунингдек, улар қадимги авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Тақасой, Теракисой қабилар бўлиб, улар юздан зиёددир. Ўрта Осиёдаги горлар, унгулар ва қоятошларга ишланган

расмлар мезолит даврида пайдо бўлган. Меҳнат қуролларини яшаш бўйича куйи ва ўрта палеолит даври ўз навбатида ундан ривожланганроқ мезолит даври билан алмашди. Тош асрининг сўнгги босқичи бўлган неолит бундан 4,5 минг йил аввал жез даври билан алмашди. Ибтидоий жамоа тузуми кишилар жамияти тараққиётидаги энг узок давом этган ва қадимий даврди. Қадимги одамлар ўз фаолияти даврида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиб, қундалик ҳаётда ўзларига зарур бўладиган меҳнат қуроллари ясаган, яшаш учун маконлар танлашган, кейинчалик эса бошпаналар қуришган. Булар инсон фаолиятига таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги одамлар манзилгоҳи Фарғона водийсидаги Селенгур форидир – Тошкент вилоятида Кўлбулоқ, Бухородаги Учтут маконларидан топилган. Бу давр одамлари тошлардан кўпол қуроллар ясаб, жамоа, гуруҳлар бўлиб ов қилишган. Қадимий палеолит даврида ибтидоий одамлар турли имо-ишоралар, овозини чиқариб, кўл харақати билан бир-бирларини тушунишган ва шу тарзда сўзлашган. Аёл эркекнинг юз тузилиши деярли бир хил кўринишда бўлган. Палеолит даври одамлари жисмоний ҳаракатларда ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги одамлардан фарқ қилишган.

Илк палеолит даврида улар табиат олдида оҳир бўлиб, унда тайёр бўлган махсулотларни ўзлаштирган. Улар на диний тарафдан, на дехқончилик ва на чорвачилик тушунчаларини билишган.

Ўрта палеолит даврида эса Тошкент воҳасидаги Обираҳмат, Хўжакеит, Самарқанддаги Омонқўтон, Бойсун тоғларидаги Тешиктош каби манзиллардан турли хил тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Улар ичида нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли

сиҳлар, қирғичлар бўлган. Шунингдек, турли ҳайвонлар суяклари ҳам мавжуд. Яна бир машҳур ёдгорлик Тешиктош гор маконидан қурол яроқлардан ташқари тахминан 9, 10 ёшлар атрофидаги болачанин қабри топилиб, қазиб очишганда мурда ёнидан ҳар хил тош қуроллар ва архар шохи қадалиб қўйилганини кўришган.

Кейинроқ ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтиш бошланади. Шимолдан океан, музлик силжиши натижасида олов кашф этилади. Одамлар ўчоқлар атрофида тўпланиб, ибтидоий турар-жойларга асос соладилар. Сўнгги палеолит қадимги тош асрининг охириги босқичи бўлган. Бу даврга оид маконлар Охангарондаги Кўлбулоқ, Тошкентнинг Бўзсув ва Самарқанд шаҳридан топилган. Улардан ҳам қирғич, кески, сиҳ, личок, болта каби қуроллар чиққан. Бу даврга келиб инсонлар аста-секин тоғлардан текисликларга туша бошлаганлар. Ибтидоий одамлар ҳўжалик юритишда олдий йўллардан, қийинроқ кўринишдаги балиқчилик, овчиликка ўтдилар. Ўз турар-жойларини ўзлаштирдилар. Онги ривожланиб, ибтидоий даврдан уруғчилик тузуми пайдо бўла бошлади. Меҳнат қуролларига ўзгаришлар киритилди, диний қарашга қизиқишлар ўйғонди.

Мезолит даври ёдгорликлари Сурхондарёдаги Мачой гор маконидан, Марказий Фарғона атрофларидан топиб ўрганилган. Бу даврга музликлар шимолга қайтади ва ҳайвоноту ўсимликлар дунёсида катта ўзгаришлар содир бўлади. Мезолит даври қуроллари палеолитга қараганда анча ихчамлиги, сифатта жавоб бериши билан фарқланган. Бу даврга асосан овчилик ва термачилик

ҳўжалиги юритилган. Давр охирига келиб, уй ҳайвонларини хо-нақлаштириш бошланган. Неолит даврига келиб эса ривожланган босқичга кўтарилади, энди нафақат овчилик, балиқчилик, балки дехқончилик, чорвачилик, ҳатто хунармандчилик, қулолчилик ҳам пайдо бўлади. Калтаминор, Хисор, айниқса, Жойтун маданияти оид ёдгорликлардан ибтидоий санъат намуналари топилган.

Энеолит – мис-тош даври

нинг шимоли-шарқий ҳудудларига ҳам ёйила бошлаган. Қадим замонларда яшаган илгор мутафаккирлар одамнинг пайдо бўлиши ҳақида ўз фикрларини баён қилишган.

Энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Шарқий Африкадан, Индонезия, Хитой, Германияда топиб текширилган. Кейингилари, яъни замонавий одамга анча яқин бўлган қолдиқлар дастлаб Неандерталь водийсидан топишган. Ўрта тош даврида, аввало, меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида Неандерталь одамлар ҳозирги қиёфадаги одамларга айлана бошладилар. Шу тариқа антропогенез жараёнининг туғаш инсоният тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, одам дастлаб тошдан олдий тўқмоқ ясаган, узлуксиз меҳнатта интилиш ҳамда онги ривожланиши натижасида эса юксак маданият яратиш даражасига етиб келган.

Шу тариқа маданиятнинг дастлабки кўртаклари вужудга келди, маъноли нутқ пайдо бўлди. Инсон аста-секин биологик жиҳатдан такомиллашган борди. Энг ибтидоий (питекантроп, синантроп ва неандерталь) тиндан юксак тараққиёт этган ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган одам даражасига етди. Аввало, меҳнат, сўнгра сўзлаш иккита энг муҳим сабаб бўлдики, улар таъсири остида илк аждодларимизнинг мияси секинлик билан ақли одам миясига айлана бошлади.

Ибтидоий тўдадан сўнгги палеолитга ўтиш даврида ижтимоий муносабатлар ва одам қиёфаси анча ўзгарди ва тараққий этди. Сўнгги палеолит даврида суяк ва шохдан ясалган буюмлар – игна, бигиз, қармоқ, камон ўқи, турли хил безаклар кенг қўлланилган. Бу даврга парма ҳам пайдо бўлди. Ибтидоий тўда ўрнини ижтимоий жамоанин анча мукамаллашган шакли – она уруғи жамоаси (матриархат) олди. Археологик жиҳатдан сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даврига мувофиқ келувчи матриархат даврида уруғчилик жамоаси анча ушқоқ ижтимоий-иктисодий кўртак бўлиб, кишилар бир-галликда махсулот тайёрлар ва истеъмол қилишарди. Улар овчилик, балиқчилик билан шугулланишган, кейинчалик эса

бўлиб, одамлар дастлаб металл билан танишдилар. Бу даврга мис қуроллар анча такомиллашганига қарамай, ундан оғир меҳнат қуроллари яшашнинг имкони бўлмаган. Мисдан асосан уй-рўзгор буюмлари, тақинчоқлар, ҳарбий қуроллар ясалган. Бу даврга келиб дехқончилик Ўрта Осиё-

мотига билан ер ҳайдаб, дехқончилик

қилиб, уй ҳайвонларини боқиб тирик-

чилик ўтказганлар. Матриархат даврида

кишки турар-жой, кийим ва безаклар,

қуролларнинг мураккаб турлари (ўқ,

ёй, елмилтик) терини қайта ишлаш, ма-

то тўқиб қулолчилик, тасвирий санъат

ва дин вужудга кела бошлади.

Неолитнинг охириги босқичи – жез

даврида чорвачилик, омов билан ер

ҳайдаш, балиқ тутиш, металл олдий

усулда қайта ишлаш юзага келди. Ки-

шилар табиат қучларига қарши кура-

шиш учун турли қуроллардан фойда-

ландилар. Эркаклар топган бойликла-

рини умумий жамоага эмас, ўз болала-

рига беришга интилдилар. Шу тариқа

матриархатдан патриархат даврига

ўтибди, уруғчилик оилаларига ота бо-

чилик қиладиган бўлди. Ота уруғи асо-

сида катта патриархат оилалар ташки-

ллади. Барқарор никоҳ вужудга кели-

ши билан аёл эркек турган жойга бо-

риб яшайдиган бўлди. Болалар ота ис-

ми ва мулкнинг меросқўрига айланди-

лар, уйда ота ҳукмронлиги юзага келди.

Ибтидоий жамият қучларининг

ўсиши, ижтимоий меҳнат таксис-

мотининг ривожланиши, хусусий

ҳўжаликнинг пайдо бўлиши ва уруғ

хокимияти ташкил топла бошлади. Ўрта

Осиё ҳудудидаги жез даври ёдгорликлари

нинг жуда бой мажмуаси, воҳаларда

иктисод ва маданият тараққий этгани

бу ерда қадим даврлардаёқ синфий

жамият туғила бошлаганидан дало-

лат беради.

Бу даврни ёзма манбалар асосида

ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун чуқур

ўрганишда археология, этнография, ан-

тропология каби фанларнинг аҳамияти

бекиёсдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудуди

энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон

цивилизацияси ўчоқларидан бири

бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта

Осиё ҳудудларида олиб борилаётган

кенг миқёсдаги тадқиқот ишлари нати-

жалари ҳам ватанимизнинг жаҳон ци-

визациясида тутган юқори ўрнини

яна бир бор тасдиқлайди.

З. ХАЙДАРОВА,
Фарғона вилояти тарихи ва
маданияти давлат музейи



Тарих, вақт, хотира

Фото-афсоналар



Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш Бутунжаҳон Жамияти Ўзбекистоннинг тарихий фотосуратлари бағишланган китоб-альбомлар туркумини яратиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Катта форматдаги архив фотосуратлари уларни рақамлаштириш ва қайта ишлаш Ўзбекистон илми ва маданияти тарихидаги энг йирик лойиҳалардан бирига айланади.

Альбомларда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Ўзбекистон халқларининг анъанавий мада-

нияти хилма-хиллиги тўғрисида икки юздан ортиқ фотосуратлар тўпланади.

Минтақамизнинг ноёб қиёфасини яратишда Самуил Дудин, Худойберган Девоннов, Сергей Михайлович Прокудин-Горский, Пол Надарнинг ҳамда номуа-лум фотосуратчилар асарларидан фойдаланилади.

Альбомга Ўзбекистон давлат архиви ва шахсий тўпламлардан, Самарқанд, Бухоро давлат архитектура ва санъат музей-қўриқхонаси, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи, Ичан-Қалъа давлат музей-қўриқхонаси тўпламларидан ўрин олган фотосурат-

лар жамланади.

“Ўзбекистон маданий мероси лойиҳаси”нинг ижтимоий тармоқларга жойлаган хабарига кўра, архив фотосуратларида диёримиз тарихи акс этган муҳим воқеалар, таниқли шахслар, меъморчилик, тарихий ва археологик ёдгорликлар акс эттирилган. Бироқ, афсуски, уларнинг баъзилари йўқолган...

“Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳасининг тадқиқот ташаббуслари Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга қаратилган.

» Ҳукабиз юборман!

Ёш ижодкорлар кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 7 июндаги 43-сонли мажлис баёнига асосан ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида “Рўзи Чориев издошлари” расмлар танлови эълон қилинади.

Танловда 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари ўқувчилари тасвирий санъат йўналишидаги (рангтасвир, графика, портрет, ҳайкалтарошлик ва ҳ.к.) ижодий ишлари билан иштирок этиши мумкин.



Танлов қуйидаги иккита ёш тоифалари бўйича ўтказилади:

10 ёшдан 13 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар;
14 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар.

Танловга қуйидаги мавзуларда яратилган ижодий ишлар тақдим қилинади:

“Сурхон водийси манзаралари”;
“Сурхондарё замини ва одамлари”;
“Рўзи Чориевни эслаб...”

Танловга битта иштирокчи томонидан яратилган 1 (бир) дон ижодий иш (A3 форматда, 50х40, 60х40) тақдим этилади.

Танлов иштирокчилари ижодий ишларининг асли шу йил 1 августидан 30 августга қадар Рўзи Чориев номидаги ихтисослашган санъат мактаб-интернати (Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй) манзилига юборилиши зарур.

Ўзбекистон Бадий академияси

» Миллий қадрият

Кулолчилик — хунарамандчиликнинг лой (гил)дан турли буюмлар (терракота, сопол идиш, қурилиш материаллари ва б.) тайёрлайдиган тури. Бунда асосий хомашё тупроқдир.



Кулолчилик тарихи

Кулолчиликда лой қанча кўп пишилган, сополнинг сифати шунча яхши бўлади. Асосий кулолчилик чархи бўлиб, уста унда идишларга шакл беради. Тайёрланган идишлар қуриштириб, хумдонда қиздирилади. Идишлар турига қараб хумдонлар ҳам ҳар хил (катта-кичик) бўлиши мумкин. Сирланганлари яна бир бор қиздирилади. Одатда кулоллар маълум бир идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўладилар (масалан, қосағар, кўзағар, қошпаз, тандирчи ва бошқалар).

Инсон кулолчилик билан неолит давридан шугулланган. Махсус лойдан қўлда буюмлар ясалган, сўнгра қуриштирилиб, оловда қиздирилган. Кулолчиликда ишлатиладиган тупроқнинг бутун ер юзида мавжудлиги деярли барча халқларда кулолчилик санъатининг кенг тарқалишини таъминлади.

У билан дастлаб аёллар шугулланишган. Кулолчилик чархи пайдо бўлиши билан эркаклар ҳам бунга жалб қилинган. Идишлар махсус ўчоқ ва хумдонларда пиширилган. Кулолчиликнинг содда усуллари Осиёдаги тоғли туманларда яшовчи халқларда ҳозир ҳам мавжуд. Неолит даврига оид қароргоҳлар қолдиқларининг топилиши ўша даврда идишлар таги учли қилиб тайёрланганини кўрсатади (идишлар ерга сукуб қўйилган).

Энеолит даврида Шарқ мамлакатлари, жумладан, Юнонистонда сополдан меъморчиликда фойдаланиш ҳам авж олади. Сирлаш усуллари кашф этилган, кулолчилик буюмларининг бадий қиммати ошиб борди. Афросиёб ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларидан топиладиган археологик қазилмалар бу ҳудудларда кулолчилик IX – XII асрлардаёқ анча ривожланганидан дарак. XIII асрда мўғуллар ҳужуми оқибатида нисбатан секин ривожланган бу санъат тури XIV – XVI асрларда анча тараққий этади.

Ўрта Осиёнинг бўлиниб кетиши ўзаро алоқалар сусайишини келтириб чиқарди, лекин хунарамандчилик (айниқса, кулолчилик) ривожланишда давом этди. Турли жойларда янгича услублар вужудга келди. Халқ усталари қўлда идишлар тайёрлаш билан бирга уларни юксак дил билан безадилар. Россиядан ҳар хил чинни маҳсулотларининг

келтирилиши Ўрта Осиё кулоллари бозорини бирмунча сусайтирди. Бироқ арзон сопол идишларга бўлган талаб, айниқса, меъморчиликда бундай маҳсулотларнинг кенг қўлланилиши кулолчиликнинг узлуксиз ривожланишини таъминлади.

Ўрта Осиёда, айниқса, Ўзбек ва тожиклар яшайдиган ҳудудларда бу санъат тури кучайди. Қоратон, Пенжикент, Самарқанд, Китоб, Шахрисабз, Ғиждувон, Хоразм, Тошкент, Ғурумсарой, Риштонда сопол идишларни сирлаб безатишнинг ўзига хос услублари вужудга келди. Бу марказларда тайёрланган буюмлар пишиқ, чиройли, нафис ишлангани ва кўркем нақшлари билан диққатни тортарди. XX асрнинг 20-йилларидан кулоллар меҳнатига алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент ва Самарқандда кулолчилик устаноналари очилди. Қисқа муддатли курслар ташкил этилиб, кулоллар тайёрлаш, уларнинг малакаларини ошириш йўлга қўйилди. Т.Миралиев (Тошкент), Р.Эгамбердиев, А.Ҳазратқулов (Шахрисабз), Мухаммад Сиддиқ, Усмон Умаров (Ғиждувон) сингари кулоллар ёшларга таълим беришди. Айниқса, бу борада Ўзбекистон халқ рассоми Мухиддин Раҳимовнинг хизматлари катта бўлди.

Археологик манбалар кулолчилик маҳсулотларининг асрлар давомида такомиллашиб бораганини кўрсатади. Даврлар ўтиб, маҳсулотлар тури ва безакларига катта ўзгаришлар киритилди. Умуман, тайёрланган шамдон, қорачирик, сархона, жомашов, хум сингари сопол идишларга эҳтиёж қолмади. Гул-



дон, товоқ, лаган каби сопол идишлар ва буюмлар эса ҳамон талабгирлигини йўқотмаган. Меъморчиликда ҳам кулолчилик маҳсулотлари (қошин, парчин ва б.) кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда бадий безатиш усули, шакли ва тайёрланишига кўра қуйидаги кулолчилик мактаблари мавжуд: Фарғона (асосий марказлари – Риштон, Ғурумсарой), Бухоро-Самарқанд (асосий марказлари – Мадрид, Каттабўғ қишлоқлари) ва Тошкент.

Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиши ва ижодий тамойиллари, усталари, ўзигагина хос хусусиятларига эга бўлиш баробарида асосий бадий умуийликни ҳам сақлаб қолган. Фарғона (Риштон) да кулолчиликнинг анъанавий бадий ва ишлаб чиқариш усуллари қайта тикланди, ишқорли сир тайёрлаш йўлга қўйилди. М.Исмоилов, И.Қомиллов, У.Ашуров, У.Қосимов, Ш.Юсупов, А.Назиров, М.Саидов ва бошқа усталар яратган буюмлар (лаган, қосалар, дон маҳсулотлари учун катта хумлар) шакл жиҳатидан ҳам, безак жиҳатидан ҳам рангбарангдир.

XX асрнинг 80-йилларида кулолчилик марказларида ишлар бирмунча сусайди. 1990 йилларда Ўзбекистонда анъанавий қадриятларга эътибор қаратилиши бу соҳанинг ривожланишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасида анъанавий амалий санъат асарлари кўргазмаси (Республика ярмаркаси)га асос солинди. 1995 йилдаги I- Республика ярмаркасида барча кулолчилик мактаблари вакиллари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий қадрият сифатида ривожланиб келаётган кулолчилик анъаналарини асраб-авайлаш, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, ҳар бир оила, жамоа, идора ва ташкилотларда уни кенг тарғиб этиш, халқ усталарининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш аҳолининг кенг қатламларини, айниқса, ёшларни жалб этиш орқали сифати кулолчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ш.АЗИЗОВА, М.АЗИЗОВ,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи ходимлари

МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:
“Dildosh media” МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир

Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:

100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.

Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кuni чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри
тахририят фикридан фарқлиниши мумкин.
“Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 7726 Буюртма - Ғ - 817
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-5, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик ком-
панияси босмахонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш
вакhti - 23.30
1 2 3 4 6